



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING MUASSIS (TA‘SISCHI) QARORI

20 21 yil „28„ декабрь

№ 130/08-қр

Toshkent sh.

“Навоийуран” давлат корхонасининг фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4629-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 170-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари раислигида “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида 2021 йил 10 апрель куни ўтказилган йиғилишнинг 10-сон баёнига асосан **қарор қилинди:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4629-сон қарорига асосан “Навоий КМК” ДК номланишини “Навоийуран” ДКга ўзгартириш ҳамда унинг таъсисчиси этиб Давлат активларини бошқариш агентлигини белгилаш назарда тутилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон қарорига асосан “Навоий КМК” ДКнинг номланишини “Навоийуран” ДК деб ўзгартириш белгиланганлиги;

“Навоий КМК” ДК кузатув кенгашининг 2021 йил 18 ноябрдаги мажлиси баёни билан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Навоий КМК” ДКнинг тегишли мол-мулклари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини 2021 йил 1 декабрь ҳолатига “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖга топшириш маъқулланганлиги;

“Навоий КМК” ДКнинг 2021 йил 28 декабрдаги 04-01-07/11814-сон мурожаати ҳамда “Навоий КМК” ДК ва “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ўртасида 2021 йил 28 декабрда тузилган топшириш-қабул қилиш далолатномаларига асосан тегишли мол-мулклар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖга топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасининг номланиши “Навоийуран” давлат корхонаси деб ўзгартирилсин.

3. “Навоийуран” давлат корхонасининг Устави 1-иловага ва ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. “Навоийуран” давлат корхонасининг Бош директори этиб Хасанов Жахонгир Толибович тайинлансин.

5. “Навоийуран” давлат корхонасининг Бош директори Ж.Хасановга “Навоийуран” давлат корхонасининг Уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

6. Ташкилий назорат бошқармаси (Ражабов) ушбу буйруқнинг нусхаларини Агентлик марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари, унинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларига етказилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш директор ўринбосари А. Миралиев зиммасига юклансин.

Директор


А. Ортиқов

“Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2021 йил “28” декабрдаги
130/08-қр-сон муассис қарорига
1-илова

“РУЙХАТГА ОЛИНГАН”

Навоий шаҳар
Давлат хизматлари маркази
томонидан

2021 йил “01” декабр
54 - сон реестр билан



“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Давлат активларини
бошқариш агентлигининг
2021 йил “28” декабрдаги
130/08-қр - сон муассис
қарори билан

**“НАВОИЙУРАН” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
УСТАВИ**

Навоий – 2021 йил.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисидаги низоми ҳамда соҳани тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, “Навоийуран” давлат корхонасининг (кейинги уринларда – Корхона) мақомини, асосий вазифаларини, функцияларини, фаолиятини ва ҳисоботини ташкил этиш, шунингдек, унинг ижро этувчи органининг функционал мажбуриятлари ҳамда жавобгарликларини белгилайди.

1.2. Корхона Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4629-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 170-сон қарорлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 28 декабрь 130/08-қр-сон муассис қарори билан ташкил этилган.

1.3. Корхонанинг муассиси (таъсисчи) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги уринларда – Муассис) ҳисобланади.

II. КОРХОНАНИНГ ФИРМА НОМИ, ЖОЙЛАШГАН ҲУДУДИ ВА ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Корхонанинг давлат тилидаги тулик расмий номи:

“Navoiyuran” Davlat korxonasi;

Корхонанинг давлат тилидаги қисқартирилган расмий номи :

“Navoiyuran” DK;

Корхонанинг рус тилидаги тулик расмий номи:

Государственное предприятие «Навоийуран»;

Корхонанинг рус тилидаги қисқартирилган расмий номи :

ГП «Навоийуран»;

Корхонанинг инглиз тилидаги тулик расмий номи:

“Navoiuranium” State Company

Корхонанинг инглиз тилидаги қисқартирилган расмий номи :

Navoiuranium SC.

2.2. Корхона жойлашган ҳудуд ва почта манзили:

210100, Ўзбекистон Республикаси, Навоий шаҳри, Саноат зонаси, Инспекторлар кучаси – 7 уй.

2.3. Корхонанинг электрон почта манзили: info@navoiyuran.uz.

2.4. Корхонанинг расмий веб сайти: www.navoiyuran.uz.

III. КОРХОНАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАВҚЕИ

3.1. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур Устав талабларига мувофиқ олиб боради.

3.2. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Корхонанинг фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

3.2. Корхона унга оператив бошқарув учун берилган давлат мулки бўлган мол-мулк негизда ташкил этилган давлат корхонаси кўринишидаги тижорат ташкилоти бўлиб, унга бириктирилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгиланган доирада ўз фаолияти мақсадида, Муассиснинг топшириқларига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини амалга оширади.

3.3. Корхона юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ва ўз номи давлат тилида туширилган муҳр ва бланкаларга, мустақил балансга, банк ҳисобварақларига, шу жумладан валюта ҳисобварақ рақамларига, эмблемага, штампларга, товар белгиларига ва бошқа реквизитларга эга.

3.4. Корхона қонунда белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиши мумкин.

3.5. Корхона Муассиснинг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган тижорат ташкилотларида, шунингдек ноижорат ташкилотларда қатнашиши (аъзо) мумкин.

IV. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ, ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ

4.1. Корхона фаолиятининг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

4.1.1. Корхона олдида турган соҳа ривожланишининг стратегияси ва истикболларини, тактик ва вазифаларини белгилаш;

4.1.2. Давлат дастурлари бўйича табиий уран, ва нодир металларни ишлаб чиқариш, сотиш, қурилиш ишларини амалга ошириш ҳамда ушбу Уставда белгиланган бошқа ишлар ва хизматларни кўрсатиш орқали фойда олиш.

4.2. Корхонанинг предмети табиий уран ва нодир металларни қазиб олиш ва қайта ишлаш.

4.3. Ушбу Уставнинг 4.1. бандида белгиланган мақсадларга эришиш учун қуйидагилар Корхонанинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

4.3.1. табиий уран қазиб олиш;

4.3.2. фойдали қазилмаларни қазиб олиш;

4.3.3. сотиш ва экспорт қилиш мақсадида табиий уран маъданларини тайёрлаш ва қайта ишлаш.

- 4.3.4. уран маъданларининг янги захираларини аниқлаш буйича геология-қидирув ишларини бажариш;
- 4.3.5. табиий уран ва нодир металлларни қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш;
- 4.3.6. таркибида табиий уран, ноёб ва камёб металллар мавжуд бўлган саноат маҳсулотларини қайта ишлаш;
- 4.3.7. ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, фойдаланиш, сақлаш, хизмат кўрсатиш, транспортда ташиш, зарарсизлантириш, утиллаштириш ва кўмиш;
- 4.3.8. зақарли моддаларни, улар қўлланиладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, транспортда ташиш, сақлаш ва сотиш;
- 4.3.9. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида табиий уран ҳамда уларга йўлдош фойдали қазилмаларга оид геология-қидирув ишларини бажариш;
- 4.3.10. геодезия фаолияти;
- 4.3.11. прекурсорларни олиб кириш, ташиш, сақлаш ва ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш;
- 4.3.12. хавфи юқори бўлган объектларни ва потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатиш;
- 4.3.13. капитал қурилиш;
- 4.3.14. архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- 4.3.15. ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш;
- 4.3.16. телекоммуникацияларнинг маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- 4.3.17. шахсий радио чақирқ тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- 4.3.18. маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- 4.3.19. телерадио эшиттиришлар трансляцияси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатиш;
- 4.3.20. ҳаракатланадиган радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;
- 4.3.21. қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- 4.3.22. ёнғинга қарши автоматлар, қуриқлаш, ёнғин ва қуриқлаш-ёнғин сигнализацияси воситаларини лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- 4.3.23. ёчки қатновда йўловчилар ва юкларни темир йўл транспортида ташиш;
- 4.3.24. автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро ташиш;

4.3.25. полиэтилен ва поливинилхлориддан қувур маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлатиш ва сотиш;

4.3.26. сульфат кислота маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ишлатиш, ташиш ва сотиш.

4.3.27. саноат эҳтиёжлари учун электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва фойдаланиш;

4.3.28. корхона маблағлари, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини шартнома асосида амалга ошириш.

Агар қонун ҳужжатларида ушбу бандда назарда тутилган тегишли фаолият, лицензияланиши белгиланган бўлса, Корхона фаолиятнинг ушбу турини тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидир.

4.4. Корхона шунингдек фаолиятнинг қуйидаги қўшимча турларини амалга оширади:

4.4.1 ул туржи савдо ва савдо-воситачилик фаолияти;

4.4.2. боғхона омборини таъсис этиш;

4.4.3. аҳолига хизмат кўрсатиш ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

4.4.4. улчов воситаларини тайёрлаш, сотиш ва ижарага бериш;

4.4.5. уз эҳтиёжлари ва бошқа истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари учун саноат-техник мақсадларга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;

4.4.6. умумий овқатланишни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;

4.4.7. темир йўл транспортида юк қарвонсаройларини ташкил этиш;

Агар қонун ҳужжатларида ушбу бандда назарда тутилган тегишли фаолият лицензияланиши белгиланган бўлса, Корхона фаолиятнинг ушбу турини фақат лицензия асосида амалга оширишга ҳақлидир.

4.5. Корхона фаолиятнинг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турларини амалга оширади.

V. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

5.1. Корхона уз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг буйруқлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

5.2. Корхона фаолияти бошқаруви:

Муассис;

Кузатув кенгаши;

Ижро этувчи органи – Корхона бош директори томонидан амалга оширилади.

5.5. Корхона Муассисга ҳисобдор.

5.4. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.4.1. корхонанинг мақсадлари, предмети ва фаолияти турларини белгилаш;

5.4.2. корхона Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

5.4.3. корхонанинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

5.4.4. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Корхонанинг ижро этувчи билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

5.4.5. корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

5.4.6. корхона мулкига оид битимларларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

5.4.7. корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ва уни тасарруф этиш;

5.4.8. корхонага етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида Корхона ижроия органига даъво тақдим этиш;

5.4.9. молия йили якунлангач амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан корхона соф фойдаси тақсимлаш.

5.4.10. корхона Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан корхонани бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан корхона Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш.

5.5. Муассис қуйидаги мажбуриятларни олади:

5.5.1. корхона раҳбарини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномасини тузиш;

5.5.2. корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида корхонанинг устав фондиди унга давлат мулкни оператив бошқариш учун бериш йўли билан шакллантириш;

5.5.3. ҳар йили ижро этувчи орган фаолияти самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичини назарда тутувчи корхонанинг бизнес-режасини тасдиқлаш, ҳар чоракда ижро этувчи орган – Корхона бош директорининг унинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботини эшитиш;

5.5.4. корхонага берилган давлат мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг ўзгага бериш назорат қилиш;

5.6. Кузатув кенгашининг таркиби 7 кишидан иборат бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Муассиснинг қарори билан тасдиқланади.

5.7. Кузатув кенгашининг фаолияти Муассиснинг қарори билан тасдиқланадиган Корхонанинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади. Кузатув кенгаши таркибида заруратга кўра белгиланган тартибда тегишли қўмиталар ташкил этиши мумкин.

5.8. Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

5.8.1. корxonанинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туғрисида Корхона ижро этувчи органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Корхона фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

5.8.2. янги очилган ва ишлаб турган конларда табиий уран ва нодир металлларни қазиб олишни ушлаштириш ва кенгайтириш мақсадида корxonани ривожлантиришнинг ўртач ва узок муддатли дастурларини маъқуллаш;

5.8.3. замонавий илмий-техник ютуқларга мувофиқ модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш дастурлари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва улар амалга оширилишини назорат қилиш;

5.8.5. корхона фаолиятининг ҳар йиллик ишлаб чиқариш бизнес-режаларини, инвестиция дастурларини ва бошқа ташкилий-техник чора-тадбирларни маъқуллаш, шунингдек, уларнинг бажарилиши туғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқиш;

5.8.6. корхона молия-ҳужалик фаолияти ўрганишини мустақил экспертлар ва аудиторларни жалб этган ҳолда ёки ички аудит хизмати томонидан ташкил этиш;

5.8.7. қўшма корxonалар ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш;

5.8.8. корxonанинг ишлаб чиқариш ва молия-ҳужалик фаолияти туғрисида ижро этувчи органининг ҳисоботини йилнинг ҳар чорагида эшитиш;

5.8.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Корхона бош директорини ёллаш туғрисида Муассиснинг номидан меҳнат шартномасини тузиш ва уни бекор қилиш;

5.8.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

5.8.11. ижро этувчи орган фаолияти тартибини белгилаб берадиган ҳужжатларни тасдиқлаш;

5.8.12. миқдори Корхона активларининг 10 фоизидан ортиқни ташкил этадиган мол-мулкни сотиб олиш ва ўзгага бериш билан боғлиқ битимлар тузилишини маъқуллаш.

5.9. Кузатув кенгашининг қарори бўйича Кузатув кенгаши аъзолари Корхона фаолиятига тегишли бўлган ҳужжатлар билан танишиш ва Кузатув кенгашига юкланган мажбуриятларни ижро этиш учун уларни ижро этувчи органдан талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Олинган ҳужжатлар Кузатув кенгаш ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланилади.

5.10. Кузатув кенгаши ваколатига тегишли бўлган масалалар ижро этувчи органининг ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

5.11. Корxonанинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш Корхона бош директорини томонидан амалга оширилади.

5.12. Корxonанинг бош директорини яккабошчилик қиладиган ижро этувчи орган ҳисобланади.

5.13. Корxonанинг бош директори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Муассис томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5.14. Корхона бош директори Муассис билан келишган ҳолда Корхона бош директорининг биринчи уринбосари - бош муҳандисини, шунингдек ўз уринбосарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

5.15. Корхона бош директорининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

5.15.1 ўз ваколати доирасида Корxonанинг ишига раҳбарлик қилиш;

5.15.2. корхона номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;

5.15.3. корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этиш;

5.15.4. корхона номидан битимларни белгиланган тартибда тузиш ва амалга ошириш;

5.15.5. штатлар жадвали ва бўлинмалар ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ходимларни ишга қабул қилиш, уларни билан меҳнат шартномалари тузиш, меҳнат шартномаларини ўзгартиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ва амалдаги меҳнат қонунчилигида кўзда тутилган иш берувчининг бошқа ҳуқуқ, мажбурият ва ваколатларини амалга ошириш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

5.15.6. корхона ходимларининг иш ҳақи миқдорини тасдиқлаш.

5.15.7. кадрларни тайёрлаш ва ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

5.15.8. корxonанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва курсатмалар бериш;

5.15.9. корxonанинг ички тартиб қондаси ва ҳужалик фаолиятини тартибга соладиган ҳужжатларни тасдиқлаш;

5.15.10. банкларда ҳисобварақ (миллий ва хорижий валюта ҳисобварақ) очиш ҳамда жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

5.15.11. корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этилишини ташкиллаштириш ва назорат қилишни таъминлаш;

5.15.12. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар бериш;

5.15.13. ишлаб чиқариш дастурларини амалга оширилишини ташкил этиш;

5.15.14. асосий фаолиятни истиқболли ривожлантиришни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириш, илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш;

5.15.15. янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллашни ташкил этиш;

5.15.16. фаолиятнинг янги йўналишларига оид таклифларни ишлаб чиқишни ташкил этиш;

5.15.17. корхона ходимлари меҳнатини муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларга риоя қилиш туғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишига қаратилган тадбирларни ишлаб чиқилишини ва тадбиқ этилишини ташкил этиш;

5.15.18. корхона бош директори Муассис ва Кузатув кенгаши олдида корхона уставига белгиланган тартибда корхона фаолияти туғрисида ҳисобот бериш;

5.15.19. корхонанинг ҳужалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни бажариш;

5.15.20. корхона бош директори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Корхонанинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга.

5.16. Корхона бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда Корхона манфаатларини кўзлаб иш олиб боради.

5.17. Корхона бош директори ўз ваколатларининг бир қисмини ишончнома асосида Корхонанинг бошқа раҳбар ва ходимларига бериши мумкин.

5.18. Корхона бош директори бюджетга туланидиган барча туловларни ўз вақтида туланиши, иш ҳақи туланиши, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар ва уларга тенглаштирилган туловлар қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилиши, ўзининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан Корхонага етказилган зарар, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқотилган ҳолат учун ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

VI. КОРХОНА УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ

6.1. Корхонанинг устав фонди ўзида Корхона томонидан ишлаб чиқариш-ҳужалик фаолиятини амалга ошириш учун унга Муассис томонидан берилган маблағлар, мол-мулк ва бошқа активлар жамини ифодалайди.

6.2. Корхона устав фондининг миқдори **980 381 010,0** минг сўмни ташкил этади.

6.3. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида корхонанинг устав фондини унга давлат мулкани оператив бошқариш учун бериш йўли билан шакллантирилади ва лозим бўлганда, мазкур уставнинг 6.2.-бандига тегишли ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилади.

VII. КОРХОНАНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

7.1. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, Корхона уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш йўли билан Муассиснинг қарори асосида амалга оширилади.

VIII. КОРХОНАНИНГ МОЛ-МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ

8.1. Корхона мол-мулкини оператив бошқариш ҳукуқи билан Муассис томонидан Корхонага бириктирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар ташкил этади.

8.2. Корхонанинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмасдир ва хиссалар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

8.3. Муассис Корхонага берилган давлат мулкининг мақсадли фойдаланилиши ва сақланиши, шунингдек ўзгага берилиши устидан назоратни амалга оширади.

8.4. Корхона бош директори Муассис билан келишган ҳолда қуйидаги ҳолларда Корхонанинг мол-мулкини тасарруф этиши мумкин:

8.4.1. асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қуйиш;

8.4.2. бошқа ҳужалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;

8.4.3. Корхона фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни ўзгача тасарруф этиш.

IX. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Бюджетга барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхонада қоладиган соф фойда, Корхона тасарруфида қолади ва Муассиснинг ёки, агар Муассис ушбу ҳуқуқни Кузатув кенгашига берса, Кузатув кенгашининг қарори бўйича фойдаланилади.

9.2. Муассис ўз қарори билан, тасарруф этиш ҳуқуқини Корхонанинг бош директорига берган ҳолда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадларида ва ҳомийлик ёрдами сифатида йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини белгилайди, бунда ҳомийликка сарфланадиган маблағлар амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган миқдорлардан ошмаслиги лозим.

9.3. Корхонанинг ҳужалик фаолияти натижасида келиб чиққан зарарларни қоплаш, ушбу мақсадларда ташкил этилган захира жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

X. ЗАХИРА ЖАМҒАРМАСИ ВА БОШҚА ЖАМҒАРМАЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Корхона ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига, миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланадиган захира жамғармасини, шунингдек бошқа жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

Бепул олинган мол-мулк қиймати ҳам захира жамғармасини тўлдиришга бошқа манба мавжуд бўлмаганда йўналтирилиши мумкин.

XI. ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

11.1. Корхона ҳисобот даври охирида белгиланган муддатларда Муассисга, Кузатув кенгашига ва ваколатли органларга рўйхати қонун билан белгиланган молиявий ҳисоботларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этади ва ҳужжатларни сақланиши ҳамда ўрнатилган тартибда уларни давлат сакловига топшириш учун жавобгардир.

11.2. Хужалик юритувчи субъект сифатида Корхона фаолиятини назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

XII. КОРХОНАНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. Корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Муассис Корхона мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

12.2 Корхона Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

XIII. КОРХОНАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

13.1. Корхона Муассис билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида ҳам филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

13.2. Корхонанинг филиаллари ва ваколатхоналари унинг номидан Корхона буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида иш куради.

13.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ваколатхоналар ва филиаллар Корхонанинг буйруғи билан тасдиқланган Низом асосида ва улар жойлашган ҳудуд мамлакатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ иш курадилар.

13.4. Корхонанинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Муассис билан келишилган ҳолда Корхона бош директори томонидан тайинланади ва унга берилган ишончнома асосида иш куради. Корхонанинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбари билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда, ушбу ишончнома Корхона бош директори томонидан бекор қилиниши керак.

13.5. Корхона томонидан ташкил этилаётган филиаллар ва ваколатхоналарнинг мажбуриятлари бўйича Корхона жавоб беради.

XIV. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

14.1. Корхона қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Муассиснинг ёки суднинг қарори бўйича тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

14.2. Корхонанинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмасдан, Корхона фаолияти тўхтатилишига олиб келади, қайта ташкил этишда эса ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

XV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Корхонанинг Муассиси ўз ваколатлари доирасида мазкур Уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

15.2. Корхона Уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Корхонанинг янги таҳрирдаги Устав учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолда эса давлат рўйхатида ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

15.3. Агар мазкур Уставнинг бирор бир қоидаси ўз кучини йўқотганда, бу қоида бошқа қоидаларни амал қилишига тўсқинлик қилмайди.

15.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида Корхонанинг мазкур Уставида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади ва Корхонанинг Уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

15.5. Мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонучилиги билан тартибга солинади.

“Навоийуран” Давлат корхонасининг ташкилий тузилмаси

